


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати
менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «27» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши Малака талабларининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи	10

1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалавриат таълим йўналиши – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ корхоналарда сифат тизимини ташкил этиш, корхона ва ташкилотларда сифат бошқарувини жорий қилиш, соҳа маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш,

лицензиялаш, соҳа корхоналарда метрологик таъминот, соҳа маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш, маҳсулотни сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш, маҳсулотни таркиби ва сифатини текшириш, баҳолаш тизимли ёндошув механизмларини татбиқ этиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- таълим йўналиши бакалаврларининг касбий фаолият объектлари – корхона ва ташкилотларда сифат тизими, метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, лицензиялаш;

- соҳа корхоналарда метрологик таъминот, соҳа маҳсулотлари ва хизматлари, маҳсулот сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар, стандартлаштиришни ташкил этишни назорат қилиш;

- меъёрий ҳужжатлар, маҳсулот ва хизматлар сифатини ва хавфсизлигини назорат қилиш, тизимли ёндошув механизмлари, товар ва маҳсулотларни экспертиза қилишнинг самарали жараёнлари.

60711300 – Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими бундан мустасно.

1.2.3. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- хизмат кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60711300 – Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда халқаро тажрибаларга асосланиб машина ва жиҳозларни синаш, улардан фойдаланиш ҳамда техник воситаларини, тизимларини, жараёнларини, жиҳозларини ва материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

- автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари эксплуатациясини сифат бошқарувида, уни тадқиқ қилишда намунавий методикалар ва техник воситаларни қўллаш олиш;

- автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари эксплуатацияси соҳасидаги хорижий ва махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикаимизда

эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;
- замонавий мавзулар (топшириқлар) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида

- ўлчаш, назорат ва синов воситаларини лойиҳалаштириш мақсадида дастлабки ахборот маълумотларни таҳлил қилиш ва йиғиш;

- техник топшириқларга мувофиқ равишда ва стандарт автоматлаштирилган лойиҳалаштириш воситаларини қўллаш ёрдамида ўлчаш, синов ва назорат воситаларининг тадқиқ қилинаётган қисм ва деталларини ҳисоблаш ва лойиҳалаштириш ишларида иштирок этиш;

- ишчи лойиҳалаштириш ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тугатилган лойиҳа конструкторлик ишларини, улардаги лойиҳалар ва техник ҳужжатларни стандартлар, техник шартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш асосида расмийлаштириш;

- конструкторлик ва технологик ҳужжатларни метрологик экспертизасини ўтказиш;

- лойиҳалаш қарорларни дастлабки техник-иқтисодий асослаб бериш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш-технологик ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- намунавий технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни мақсадли қўллаш;
- стандартлар лойиҳаларини, услубий ва меъёрий материалларни, техникавий талаб шартлари ва ҳужжатларни ишлаб чиқишда, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда қатнашиш;

- ўрнатилган талабларга, амалдаги меъёрлар, қоидалар ва стандартларга риоя қилишни назорат қилиш;

- сифатни бошқариш тизимларини амалда ўзлаштиришда қатнашиш;

- метрологик таъминот ва техник назорат бўйича ишлар олиб бориш; замонавий ўлчаш, синаш ва назорат усулларида ҳамда маҳсулот бошқарувидан фойдаланиш;

- корхоналарда сифат тизимини жорий этишни амалга ошириш;

- участка, цех, бўлинмаларда сифат назоратини амалга ошириш;

- хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш усулларида ишлаб чиқиш;

- сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва сифат тизимларини жорий этиш;

- маҳсулотларни сифатини таъминлаш ва уларни назорат қилиш;

- маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш ва хавфсизлигини таъминлаш;

- маҳсулотларни сертификатлаштиришни амалга ошириш;

- хизмат турларини лицензиялашни амалга ошириш;

- технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;

- конструкторлик ва технологик ҳужжатлар таркибига кирадиган режалар, дастурлар ҳамда назоратлар, синовлар ва ўлчашларни бажариш методикалар, асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш бўйича йўриқномалар ва бошқа матнли ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

- меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва уни ошириш имкониятларини аниқлаш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятларига эга бўлиши;

- сифат яхшилаш соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усуллари билиш;
- корхоналарда сифат экспертизасини амалга ошириш;
- сифатни ошириш, маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- касбий касалликлар ва ишлаб чиқариш травматизмининг профилактикаси бўйича тадбирлар ўтказиш, бажарилган ишларни экологик хавфсизлиги талабларига риоя қилишни назорат қилиш;

касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини режалаштиришда қатнашиши, корхонада (ташкilotда) қўлланиладиган стандартлар, меъёрлар ва бошқа ҳужжатларни амалдаги ҳуқуқий актларга ва техник жиҳатдан тартибга солиш ривожланишнинг илғор тенденцияларига мувофиқлигини мунтазам равишда текшириш;
- лицензиялаш, лицензия объектлари ва лицензия талаб қилинадиган фаолият турларни аниқлашда иштирок этиш лицензиялашдаги меъёрлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- маҳсулот сифатини ошириш ва назорат қилиш, тадқиқотлар, ишлаб чиқариш, синовлар, эксплуатация ва утилизациянинг метрологик таъминотини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;
- техник воситаларни, тизимлар, жараёнлар, асбоб-ускуналар ва материалларни сертификатлашга тайёрлаш ишларида; сертификатлаштириш идораларини, ўлчаш ва синов лабораторияларини аккредитациясини ўтказишда иштирок этиш;
- сифат менежменти тизимларини, рекламация ишларини амалга оширишни, янги назорат ўлчаш техникасини жорий қилиш режаларини тайёрлашда, сертификатлаш талабномаларини тузишда иштирок этиш;
- маълумотларни тайёрлаш; бирламчи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг тезкор амалий иш режаларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналари) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий

билимларга эга бўлиши ҳамда улардан касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- соҳада рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналарини ишлаб чиқариш ва эксплуатацияси соҳасида сифатни бошқариш, маҳсулотларни ва хизматларни сертификациялаш ҳамда лицензиялаш, меъёрий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- автомобиль транспорти ва йўл қурилиш машиналарини ишлаб чиқариш ва эксплуатацияси соҳасида ўлчаш, назорат, синаш, сифатни бошқариш, маҳсулотларни ва хизматларни сертификациялаш ҳамда лицензиялашни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, ўқув режаси, фан дастури, бакалаврият, автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари, метрология, эталон, меъёр, ўлчов воситалари, ўлчов хатолиги, стандарт, стандартлаштириш, унификация тизимлаштириш, турлаштириш, синфлаш, сертификат, сертификатлаш, лицензия, лицензиялаш, лизензия турлари, жараён, божхона, тадқиқ қилиш усуллари, сифат, менежмент, товаршунослик, аудит, комплекс система, бошқариш, маркировка, штрих кодлари, рақобатбардош, назорат системаси, квалиметрия, ҳом-ашё, захира, ассортимент, усуллар, бозор иқтисодиёти, ақлий ҳужум, қалбакилаштириш, идентификация, божхона иши, аккредитация, техник таҳлил, тасниф, экспертиза, ҳавфсизлик, синон қурилмалари, маҳсулотларни синаш, ўқув жараёни, малака амалиёти, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, олий ўқув муассаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов


Директор в.б.  М.Эсонов



Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга
солиш агентлиги қошидаги
“Ўзбекистон миллий метрология
институту” давлат корхонаси

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Директор  Л.Саидорипов

Ректор  С.Турабджанов

